



## МИОПИЯНИНГ ПРОГРЕССИРЛАНИШИДА БЎЙИН УМУРТҚА ПОГОНАСИ ПАТОЛОГИЯСИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎРНИ

**Файзиева Д.Б., Мирзаев Д.А., Рахимов А.Ф.**

**Долзарблиги.** Кўпгина олимлар томонидан миопиянинг ривожланишида омиллардан бири дея бўйин соҳасидаги умуртқа погонасининг патологиялари деб таъкидланиб татқиқодлар олиб борилган ва изланишлар давом эттирилаяпти. Бўйин соҳаси умуртқа погонасидаги кўз билан боғлик анатомо-топографик ўзига хосликни ҳисобга олган миопиянинг ривожланишида ва прогрессивланишида омиллардан биридир.

**Мақсад.** Миопия ривожланиши ва прогрессирланишида бўйин соҳаси умуртқа погонаси патологиясининг ўрнини аниқлаш ва таҳлил қилиш.

**Материал ва текширув усуллари.** Мурожаат этган беморлардан миопиянинг турли даражалари билан 67та (130та кўз) бўйин соҳасидаги умуртқа погонасининг патологияси билан қўшилиб келганларда текширувлар олиб борилди. Беморларда умумофтальмологик текширувлар билан биргаликда умуртқа погона рентгенографияси, компьютерли реовазография ёрдамида умуртқа погона қон томирларида гемодинамикани ўрганиш.

**Мухокама.** Текширувлар натижасида бўйин умуртқа погонаси артерияларда қон айланишининг бузилиши бўйин соҳасидаги умуртқа погонасидаги патологик ўзгаришлар миопиянинг прогрессирланиши билан биргаликда кечиши кузатилган. Барча bemorларда ретинал артерияларнинг торайиши кузатилди. Каротид бассейнда 96%га веноз оқимнинг қийинлашгани аниқланди, бу ҳолат умуртқа артериялар бассейнда ҳам кузатилди. 55% bemorларда мия артериолаларида гипертензив ангиопатия 8,6% bemorларда эса гипотоник ангиопатия кузатилди. 17% bemorларда вертебробазиляр бассейнда пульсли қон оқимининг 4 даражали пасайиши, Рефракцион ўзгаришлар (-)0,25D-(-)3,00D 35,2%ни ташкил этган бўлса (-)3,25D-(-)6,00D



34%ни ва (-)6,25D ва ундан юқориси 30,8%да кузатилди.

**Хулоса.** Текширувлар шуни кўрсатдики умуртқа поғонаси патологиялари оғирлик даражасига қараб вертебробазилляр бассейнда, умуртқа артериясида қон айланиши бузилиши кузатилади. Миопиянинг прогрессивланишига олиб келадиган факторлардан бири бўйин умуртқа поғонасидаги патологияларнинг даражасига ҳам боғлиқ. Миопияни патогенетик даволаш мақсадида бўйин умуртқа поғонаси патологиясини инкор қилиш керак, бу эса ўз навбатида мақсадли даво муолажасини олиб бориш кераклигини кўрсатади.